

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.28.03.2018 Ped.02.05 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**НАВОИЙ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

**МУСАЕВ ОТАБЕК ҚУДРАТОВИЧ**

**КОМПЕТЕНЦИЯВИЙ ЁНДАШУВ АСОСИДА ПЕДАГОГИК  
ҚОБИЛИЯТЛАР КОМПЛЕКСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ  
(олий таълим муассасаси ўқитувчилари мисолида)**

**13.00.01- Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
педагогическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on  
pedagogical science**

**Мусаев Отабек Қудратович**

Компетенциявий ёндашув асосида педагогик қобилиятлар комплексини  
такомиллаштириш (олий таълим муассасаси ўқитувчилари мисолида)..... 5

**Мусаев Отабек Қудратович**

Совершенствование комплекса педагогических навыков на основе  
компетентностного подхода (на примере преподавателей высших учебных  
заведений) ..... 23

**Musayev Otabek Kudratovich**

Improvement of the complex of pedagogical problems on the basis  
of competent (for example, university teachers) ..... 43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

**Список опубликованных работ**

**List of publications** ..... 47

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.28.03.2018 Ped.02.05 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**НАВОИЙ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

**МУСАЕВ ОТАБЕК ҚУДРАТОВИЧ**

**КОМПЕТЕНЦИЯВИЙ ЁНДАШУВ АСОСИДА ПЕДАГОГИК  
ҚОБИЛИЯТЛАР КОМПЛЕКСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ  
(олий таълим муассасаси ўқитувчилари мисолида)**

**13.00.01- Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.PhD/Ped28 рақам билан рўйхатдан ўтказилган.**

Диссертация Навоий давлат педагогика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.samdu.uz](http://www.samdu.uz)) ва “ZiyoNet” Ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

<b>Илмий раҳбар:</b>	<b>Ибраимов Холбой Ибраимович</b> педагогика фанлари доктори, профессор
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Шодиев Нарзиқул Шодиевич</b> педагогика фанлари доктори, профессор <b>Мелиев Хамид Абдуллаевич</b> педагогика фанлари номзоди, профессор
<b>Етакчи ташкилот</b>	<b>Бухоро давлат университети</b>

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.28.03.2018 Ped.02.05 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй. Тел.: (+99866)239-13-87; факс: (+99866)239-12-29; e-mail [samdu\\_ped\\_kengash@umail.uz](mailto:samdu_ped_kengash@umail.uz))

Диссертация билан Самарқанд давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй. Тел.: (99866)239-11-51;

Диссертация автореферати 2019 йил “\_\_” \_\_\_\_\_ кун тарқатилди.  
(2019 йил “\_\_” \_\_\_\_\_ даги \_\_ рақамли реестр баённомаси).

**М.М.Махмудова**  
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси ўринбосари, п.ф.д., профессор

**Ш.Р.Ураков**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, п.ф.ф.д.(PhD)

**Н.Ш.Шодиев**  
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, п.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Жаҳонда бўлажак мутахассисларнинг касбий-ижтимоий тайёргарлигини ривожлантириш масаласига долзарб вазифалардан бири сифатида қаралмоқда. АҚШнинг Гарвард университетиде ташкил этилган Career Services маркази томонидан малакали мутахассиснинг касбий компетентлигини белгиловчи мезонлар сифатида педагогик ва ностандарт тафаккур тарзи, Сингапурнинг Нанъян технология университети Бизнес мактабиде креатив қобилиятлар муҳим омил қаториде эътироф этилиб, таълим жараёнларида педагогик қобилиятларни ривожлантириш устувор ўрин эгаллайди.

Жаҳон миқёсиде олиб борилаётган илмий тадқиқотларда таълимга компетентли ёндашув асосиде педагог кадрларнинг рақобатбардошлиги ҳамда креатив компетентлигини ошириш, ижодий таълим жараёнини лойиҳалаштиришнинг замонавий методик таъминотини яратиш механизмларини такомиллаштириш, ўқитувчиларда касбий фаолият соҳаларига йўналтирилган педагогик қобилиятларни ривожлантириш, уларнинг олий таълим сифатини таъминлаш жараёнидаги ижтимоий ролини ошириш каби йўналишлар ўз аксини топмоқда. Илғор тажрибалар ва илмий тадқиқот натижалари замонавий касбий таълим мазмунини интернационализациялаш ва модернизациялаш, компетенцияларга асосланган инновацион таълим муҳитини шакллантириш, интерфаол ўқитиш методлари ва технологияларини амалиётга кенг татбиқ этиш, ўқитувчиларнинг педагогик фаолият самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Мамлакатимизда олий таълим муассасаларининг ўқув-тарбия жараёни моддий-техник ва ахборот базасини мустаҳкамлаш, юқори сифатли ўқув адабиётлари ва илғор педагогик технологиялар билан таъминлаш, олий таълим муассасаларини жаҳоннинг етакчи илмий-таълим муассасалари билан яқин ҳамкорлик алоқалари ўрнатиш борасиде олиб борилган ислохотлар ўқитувчилар, илмий-педагог кадрларни замонавий касбий билимлари ва педагогик маҳоратларини ошириш имкониятини кенгайтирмоқда. Бугунги кунда олий таълим муассасалари ўқитувчиларида педагогик қобилиятларни ривожлантириш тизимини такомиллаштириш зарурати юзага келмоқда. Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш чора-тадбирларида “Мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда олий таълим муассасаларининг иштироки ҳамда ташаббускорлигини ошириш, профессор-ўқитувчиларнинг билими ва педагогик маҳорати мониторингини юритиш”<sup>1</sup> каби вазифалар белгиланган.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сон Қарори. – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами: 07/18/3775/1313-сон. 06.06.2018 й.

Бу борада ўқитувчиларда педагогик қобилиятларнинг ривожланиш даражасининг педагогик-психологик хусусиятлари ва омилларини аниқлаштириш, дидактик тизимини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони, 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сон, 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сон қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Узлуксиз таълим тизими ўқитувчиларини касбга тайёрлаш, уларда зарурий касбий сифатлар ва кўникмаларини шакллантириш масалалари Э.Зеер, В.Сериков, И.Сергеев, Ҳ.Абдукаримов, Н.Алимов, А.Мамажонов, Н.Муслимов, Б.Раҳимов, Н.Сайидахмедов, Ў.Толипов, Ш.Шарипов, Я.Ҳайдаров, О.Ҳайдарова, Ф.Юзликаевлар томонидан тадқиқ этилган.

Ўқитувчиларда педагогик қобилиятларни такомиллаштиришнинг психологик хусусиятлари Дж.Гилфорд, Е.Торренс, А.Леонтьев, Н.Ильин, М.Давлетшин, Э.Ғозиевларнинг илмий изланишларида кенг ёритилган. Мазкур тадқиқотларда креатив жараён, креатив маҳсулот, креатив шахс ва креатив муҳит каби тушунчаларнинг ўзига хос қиёсий таҳлили орқали шахс креативлиги ва ижодкорлигининг ижтимоий-психологик масалалари ва психодиагностикаси, интеллект ва педагогик ўртасидаги алоқадорлик масалалари ўрганилган.

Педагог олимлардан Н.Шодиев, О.Мусурмонова, Х.Ибрагимов, Ш.Шарипов, Н.Эгамбердиева, Ш.Шодмоноваларнинг илмий изланишларида ўқитувчиларда педагогик қобилиятларни такомиллаштириш, касбий-инновацион тайёргарликни ривожлантиришнинг ўзига хос жиҳатлари, педагогик қобилиятларни такомиллаштиришга таъсир этувчи ижтимоий омиллар, ижтимоий фаоллик, шунингдек, ўқитувчиларда танқидий, креатив тафаккурни ривожлантириш йўллари, педагогик шарт-шароитлари, шунингдек аксиологик-педагогик мазмуни ёритиб берилган.

Инновацион таълим ва ахборот-коммуникация технологиялари воситасида ўқитувчиларда ўз-ўзини ижодий фаоллаштириш, креатив

ишланмалар(маҳсулотлар)ни яратишга хизмат қилувчи шахсга йўналтирилган эркин таълим муҳитини ташкил этиш В.А.Сластенин, Г.Чижакова, И.Риданова, Ю.Круглова, Ж.Йўлдошев, Н.Азизходжаева, Ў.Толиповларнинг илмий тадқиқотларида асосланган.

Юқорида келтирилган тадқиқотлар таҳлили ўқитувчиларда педагогик қобилиятларни ривожлантиришнинг педагогик-психологик аспекти, контрсуггестив, тезаурус ва интерактив омилларини тадқиқ этиш, интерфаол таълим асосида ўқитувчиларда педагогик қобилиятларни ривожлантириш жараёнларини такомиллаштириш, бу борада прогностик ва квалиметрик тавсияларни ишлаб чиқиш заруратини кўрсатди.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Навоий давлат педагогика институти илмий тадқиқот ишлари режасининг ИТД-1 “Олий таълим муассасалари педагог кадрлари касбий компетентлигини узлуксиз ривожлантиришнинг информацион-методик таъминотини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш: акмеологик ёндашув” (2014-2015 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** ўқитувчилар педагогик қобилиятини ривожлантиришнинг педагогик механизмларини такомиллаштиришга оид таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқот вазифалари:**

ўқитувчиларда педагогик қобилиятлар ривожланишининг педагогик-психологик хусусиятлари ва омилларини аниқлаштириш;

ўқитувчиларда педагогик қобилиятларнинг ривожланганлигини баҳолаш мезонлари ва механизмларини такомиллаштириш;

мустақил малака ошириш жараёнида ўқитувчиларнинг педагогик қобилиятларини ривожлантиришнинг интеграллашган дидактик тизимини такомиллаштириш;

ўқитувчиларнинг педагогик қобилиятларини ривожлантиришга доир илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида олий таълим муассасалари ўқитувчиларининг педагогик қобилиятларини ривожлантириш жараёни белгиланиб, тажриба-синов ишларига Навоий давлат педагогика институти, Жиззах давлат педагогика институти, Урганч давлат университетларининг 212 нафар профессор-ўқитувчи ва 206 нафар талабалари жалб этилган.

**Тадқиқотнинг предмети** ўқитувчиларнинг педагогик қобилиятларини ривожлантириш мазмуни, шакл, метод ва воситалари.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида қиёсий таҳлил, педагогик кузатув, ретроспектив таҳлил, моделлаштириш, суҳбат, интервью, тест, педагогик эксперимент, математик-статистик таҳлил этиш усулларидан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

Олий таълим муассасалари ўқитувчиларида педагогик қобилиятларни ривожлантириш омиллари (шарт-шароит, доимий мулоқот ва муносабатлар, ҳамкорликдаги фаолият, ўз-ўзини ривожлантириш ва баҳолаш) умумқасбий, когнитив ва ижтимоий компетенциялар таркиби ва ўқув фаолиятига оид педагогик қобилиятлар хусусиятлари боғлиқлиги асосида аниқлаштирилган;

педагогик қобилиятларни ривожлантиришнинг интеграллашган методик таъминоти (репродуктив, ижодий-изланиш ва новаторлик босқичлари мазмуни) квалиметрик параметрларнинг прогностик хусусиятларига устуворлик бериш асосида такомиллаштирилган;

интерфаол методларнинг педагогик таъсирчанлик имкониятлари ўқитувчининг позицион ҳаракатлари (бошқарувчи, эксперт, йўналтирувчи, маслаҳатчи, ташкилотчи, кузатувчи) мазмунини босқичлаштириш асосида кенгайтирилган;

педагогик қобилиятларни ривожлантиришнинг ташкилий-педагогик жараёнлари ижодий фаолиятга йўналтирилган элементлар (интегратив ёндашув, лойиҳалаштириш, технологиялаштириш) учун топшириқлар ва вазиятли машқлар мажмуини ишлаб чиқиш асосида такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

ўқитувчиларнинг педагогик қобилиятларини шаклланганлик даражасини репродуктив-таваккалчилик, ижодий-изланишли ва новаторлик босқичлари бўйича ташхислаш ва ривожлантириш методикаси ишлаб чиқилган;

ўқитувчиларда педагогик қобилиятни ривожлантиришнинг ахборот-методик таъминоти (“Олий ўқув юрти ўқитувчисининг педагогик қобилиятлар комплексини такомиллаштиришнинг назарий ва амалий асослари” номли монография, “Олий ўқув юрти ўқитувчисининг педагогик қобилиятлар комплекси” номли услубий қўлланма, ўқув-услубий мажмуалар, методик тавсиялар) яратилган;

ўқитувчиларда педагогик қобилиятларни ривожлантиришга йўналтирилган интерфаол таълим муҳитини шакллантириш юзасидан тренерлик дастурлари яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ишда қўлланилган ёндашувлар ва усуллар, унинг доирасида фойдаланилган назарий ёндашувлар расмий манбалардан олинганлиги, эмпирик ўрганишлар асосида келтирилган таҳлиллар ва тажриба-синов ишлари самарадорлигининг математик статистик методлар воситасида асосланганлиги, хулоса ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ўқитувчиларда педагогик қобилиятларни ривожлантиришга хизмат қиладиган методологик ёндашувлар ҳамда педагогик шарт-шароитларни такомиллаштиришда фойдаланиш билан изоҳланади.



Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти интерфаол таълим методлари воситасида ўқитувчиларнинг педагогик қобилиятларини ривожлантириш, интерфаол таълим муҳитини яратишнинг информацион-методик тизимини такомиллаштириш ҳамда ўқитувчиларнинг касбий компетентлигини шакллантиришга хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Олий таълим муассасаси ўқитувчилари мисолида компетенциявий ёндашув асосида педагогик қобилиятлар комплексини такомиллаштиришга доир тадқиқот натижалари асосида:

олий таълим муассасалари ўқитувчиларида педагогик қобилиятларни ривожлантириш омилларини аниқлаштириш, умумкасбий, когнитив ва ижтимоий компетенциялар мазмуни ва ўқув фаолиятига оид педагогик қобилиятлар хусусиятлари боғлиқлигига оид таклифлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 20 августдаги 242-сон қарори билан тасдиқланган “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга қўйиладиган малака талаблари” мазмунига сингдирилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги 2019 йил 17 майдаги 89-03-1336-сон маълумотномаси). Натижада ўқитувчиларнинг педагогик салоҳиятини ривожлантириш мазмун-моҳияти такомиллаштирилиб, интерфаол таълим методлари ва технологиялари воситасида уларда педагогик қобилиятларни ривожлантириш самарадорлигини ошириш имконини берган;

педагогик қобилиятларни ривожлантиришнинг интеграллашган методик таъминоти, квалитетик параметрларнинг прогностик хусусиятлари, интерфаол методларнинг педагогик таъсирчанлик имкониятларини кенгайтириш, ўқитувчининг позицион ҳаракатлари мазмунини босқичлаштиришга оид таклифлардан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги “Таълим муассасалари учун яратилган ўқув-методик адабиётларни мувофиқлаштириш Кенгаши”нинг 2016 йил 19 майдаги 5-сонли баёни билан тасдиқланган “Ўқитувчиларнинг педагогик қобилиятларини ташхислаш ва ривожлантириш методикаси”ни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги 2019 йил 17 майдаги 89-03-1336-сон маълумотномаси). Методиканинг жорий этилиши ўқитувчилардаги педагогик сифатлар ва педагогик қобилият, ўз фаолиятига нисбатан рефлексив ёндашув кўникмаларини шаклланишига, педагог кадрларда интерфаол таълим муҳитини яратишга хизмат қилувчи замонавий компетенцияларнинг ўзлаштирилишига хизмат қилган;

педагогик қобилиятларни ривожлантиришнинг ташкилий-педагогик жараёнларини такомиллаштириш, ижодий фаолиятга йўналтирилган элементлар учун топшириқлар ва вазиятли машқлар мажмуига оид таклифлардан 2009-2011 йилларда бажарилган ИТД-1-1-17 рақамли “Узлуксиз таълим жараёнида ўқувчиларда қатъий толерантлик дунёқарашини шакллантиришнинг ижтимоий-педагогик имкониятлари”

мавзусидаги лойиҳани бажаришда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 17 майдаги 89-03-1336-сон маълумотномаси). Мазкур лойиҳа ўқитувчиларнинг ўқувчилардаги толерантлик дунёқарашини шакллантириш, уларда ўзаро ҳурмат ва дўстликка бўлган мотивацияни оширишга йўналтирилган педагогик қобилиятларни ривожлантириш самарадорлигини оширишга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 10 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 24 та илмий иш чоп этилган, шулардан 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 6 таси республика, 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми:** Диссертация кириш, уч боб, хулоса фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 148 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг “Кириш” қисмида илмий тадқиқот мавзусининг долзарблиги асосланган, тадқиқот ишининг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети аниқланган, илмий ишнинг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатиб ўтилган. Шу билан биргаликда диссертациянинг илмий янгилиги, амалий натижалари ва уларнинг ишончлилиги, ишнинг назарий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, илмий нашрларда эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши борасидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Олий таълим муассасалари ўқитувчиларида педагогик қобилиятни такомиллаштиришнинг назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида педагогик қобилият тушунчасининг мазмун-моҳияти, ўқитувчиларда педагогик қобилиятни такомиллаштиришнинг касбий маданият билан алоқадорлиги ҳамда амалиётдаги ҳолати баён этилган.

Педагогикада ўқитувчининг қобилияти масаласига нисбатан бир-бирига яқин кўплаб таърифлардан фойдаланиш ҳолати мавжуд. Педагогик қобилият муаммосини назарий ва экспериментал ўрганишда комплекс ёндашув масаласига етарлича эътибор қаратилмаган. Яхлит, мажмуавий ёндашишга нисбатан талабларни тизимнинг таркибий қисмлари ёки элементлари кўламини ошириш жараёни билан фарқламаслик кўзга ташланади. Ваҳоланки, педагогик қобилият тушунчаси моҳиятини аниқлаштириш учун муҳим ҳисобланган мажмуавий ёндашувсиз, яъни назария ва амалиётда аниқ бир тизимга бирлаштирилмаган омилларга тегишли бўлган кенг кўламли

маълумотларни тўплаш асосида аниқ ечимга келиб бўлмайди. Бу эса, компетенциявий ёндашув асосида педагогик қобилиятлар комплексини такомиллаштиришни тақозо этади.

Таҳлил натижалари педагогика фани соҳасида амалга оширилаётган ҳар қандай замонавий тадқиқотларда педагогик қобилият атамаси ўқитувчи педагогик фаолияти самарадорлигини белгилаш учун қўлланиладиган тушунчани ифода этишини кўрсатади. Мазкур ҳолат педагогик қобилиятни умумий тарзда тушунилишига олиб келади. Айнан мазкур жиҳат педагогик қобилиятлар мажмуини яхлит тизимлаштириш лозимлигини кўрсатди.

Педагогик қобилият – бу махсус қобилият ҳисобланиб, мутахассиснинг педагогик фаолиятга лаёқати ва мазкур меҳнат тури билан муваффақиятли шуғулланишга компетентлилик даражасини аниқлаб беради.

Педагогика ва психология соҳасида амалга оширилган илмий тадқиқотларга асосланиб, ўқитувчи педагогик қобилиятлари комплекси қуйидаги тарзда умумлаштирилди: когнитив, гностик, дидактик, конструктив, лойиҳавий, ташкилотчилик, бошқариш, креатив, акмеологик, тадқиқотчилик, суггестив (ишонтириш), перцептив, коммуникатив таъсир кўрсатиш, эмпатик. Мазкур педагогик қобилиятлар мажмуи қуйидаги компонентлар бўйича туркумлаштирилди: гносеологик-лойиҳавий (когнитив, гностик, дидактик, конструктив, лойиҳавий); ташаббускорлик-ижодкорлик (ташкилотчилик, бошқариш, креатив, акмеологик, тадқиқотчилик); коммуникатив (перцептив, коммуникатив таъсир кўрсатиш, эмпатик).

Ўқитувчиларда педагогик қобилиятлар комплексини такомиллаштириш қуйидаги касбий аҳамиятли шахс сифатларининг мавжуд бўлишини тақозо этиши аниқланди: шахсий-қадриятли йўналганлик, касбий-ахлоқий сифатлар, педагогик фаолиятга масъулиятли муносабат, қизиқишлар ва маънавий эҳтиёжларнинг кўпқирралилиги ва нутқ маданияти.

Тадқиқот жараёнида ўқитувчиларда педагогик қобилиятларни комплекс такомиллаштиришнинг икки гуруҳига оид – ижтимоий ва касбий-педагогик мезонлар аниқлаштирилди:

1. ижтимоий мезонлар (ижтимоий мослашувчанлик, психологик мослашувчанлик, коммуникатив мослашувчанлик);

2. касбий-педагогик мезонлар (педагогик касбига ва педагогик фаолиятга ижобий ҳиссий-баҳоловчи муносабат, касбий-ахлоқий сифатлар, шахсий-педагогик жиҳатдан ўз-ўзини бошқариш, касбий муҳитни муваффақиятли ўзлаштириш, касбий мулоқот услуби, касбий-педагогик малакаларни узлуксиз такомиллаштириб бориш):

Ўқитувчиларда педагогик қобилиятлар мажмуининг таркиб топганлик ҳолати, мавжуд илмий асосланган хулосалар, махсус илмий-тадқиқот методлари (тест, модификациялашган методикалар) асосида ўтказилган аниқловчи тажриба-синов натижалари шуни кўрсатдики, олий таълим муассасалари ўқитувчиларида педагогик қобилиятларни комплекс такомиллаштиришнинг педагогик-психологик хусусиятлари ва омиллари, унинг

ривожланганлик даражасинирг баҳолаш мезонларини аниқлаштириш, интерфаол ўқитиш методлари ва технологиялари воситасида ўқитувчиларда педагогик қобилиятларни ривожлантиришнинг дидактик тизимини такомиллаштириш зарурияти мавжуд. Шу нуқтаи назардан, тадқиқот учун махсус вазифалар белгиланиб, олинган хулоса ва натижалар олий таълим жараёнилари сифати ва самарадорлигига бевосита таъсир этиши кўзда тутилди.

Диссертациянинг **“Олий таълим муассасалари ўқитувчиларида педагогик қобилиятлар комплексини такомиллаштиришнинг дидактик параметрлари”** деб номланган иккинчи бобида ўқитувчиларда коммуникатив компетентлиликни ривожлантириш педагогик қобилиятлар комплексини такомиллаштиришнинг асоси эканлиги, интерфаол таълим асосида ўқитувчиларнинг педагогик қобилият комплексини ривожлантириш ва ўқитувчиларнинг педагогик қобилият комплексини такомиллаштиришнинг дидактик жиҳатлари ёритиб берилган.


Педагогик қобилиятлар масаласини чуқур таҳлил этиш асосида уларнинг таркибий асоси коммуникатив компетентлилик билан бевосита алоқадорлиги аниқланди: дидактик, перцептив, суггестив, эмпатик, акмеологик, когнитив қобилиятлар ва ҳ.к. Ана шу сабабли педагогик қобилиятлар мажмуининг дидактик параметри сифатида коммуникатив компетентлилик белгилаб олинди.

Коммуникатив компетентлилик педагог томонидан ижтимоий-коммуникатив тажрибани эгаллаш жараёнида тобора ривожланиб боради. Коммуникатив-ижтимоий тажриба, энг аввало, шахслараро муносабатларнинг интенсив намоён бўлиш механизмининг ўзида акс эттириб, нутқий коммуникацияларни турли вариантларда қўллаш орқали таркиб топади. Бунинг асосида мулоқот иштирокчилари ўртасидаги ролли (ўқитувчи, гуруҳ мураббийи, ходим, тьютор, модератор, тингловчи) хулқ-атворнинг ўзгариши масаласи ётади.

Коммуникатив компетентлилик педагогнинг касбий билимлари ва ҳиссий-ахлоқий сифатлари асосида таркиб топиб, унга педагогик жараёндаги мулоқот йўналишини оқилона белгилай олиш; биргаликда самарали фаолиятни ташкил этиш лаёқатига эга бўлиш, ўз-ўзини ва бошқаларнинг хулқ-атворини таҳлил этиш, шахслараро мулоқотнинг сифати ҳамда ижтимоий шарт-шароитлар, психологик йўналганликнинг моҳиятини англаш орқали эришилади.

Ўқитувчининг коммуникатив компетентлиги тушунчаси ўз мазмунида қуйидаги уйғунлашган компетенцияларни акс эттиради: шахслараро перцепция ва коммуникатив мулоқот (перцептив компонент) вазиятларини баҳолаш; коммуникатив мулоқот жараёнида ўз-ўзини таҳлил қилиш ва ўз-ўзига баҳо бериш (рефлексив компонент); шахслараро мулоқот учун мос воситаларни танлаш; мулоқот жараёнини бошқариш, педагогик этика ва тактика (ахлоқий компонент).

Коммуникатив компетентликнинг педагогик қобилиятларни комплекс такомиллаштириш билан алоқадорлигини қуйидаги кўринишда ифода этиш мумкин (1-расмга қаранг).



**1-расм. Коммуникатив компетентликнинг педагогик қобилиятлар комплексини такомиллаштириш билан алоқадорлиги**

Мамлакатимиз ва хорижий олимларнинг қарашларини таҳлил қилиб айтиш мумкинки, коммуникатив компетентлик эмпатик ва рефлексив қобилиятлар билан уйғунлашган интеграцион компетенцияларнинг йиғиндиси сифатида талқин қилинади. У махсус тренинг машғулоти ёрдамида ривожлантирилади. Шундан келиб чиқиб, коммуникатив компетентликнинг қуйидаги компонентларини ажратиш мумкин: мулоқотмандликни (аффилиация мотивини) белгиловчи шахс тавсифи; малака, шахсий фазилатлар йиғиндиси; самарали мулоқот техникаси ва технологиясини эгалланганлик.

Тадқиқот натижалари асосида ўқитувчиларда педагогик қобилиятларни комплекс такомиллаштиришда коммуникатив компетентликнинг аҳамияти қуйидагилардан иборат эканлиги ҳақидаги хулосага келинди:

биринчидан, инсоннинг коммуникатив компетенциялари йиғиндиси педагогик қобилиятлар учун зарур кўникма ва малакалар мажмуини ташкил этади;

иккинчидан, педагогик маҳоратни ривожлантириш учун коммуникатив малака ва таъсир кўрсатиш етакчи индикатор вазифасини бажаради;

учинчидан, коммуникатив компетентлик биргаликдаги самарали фаолият ва ҳамкорликдаги ижодий ишни ташкил этишнинг асосий мезони сифатида хизмат қилади;

тўртинчидан, педагогик қобилиятлар комплексини такомиллаштириш ўқитувчининг инновацион жараёнларга интеграцияси, адаптацияси ва қатъий позициясини талаб этади;

бешинчидан, вербал ва невербал мулоқот педагогик, жумладан перцептив, рефлексив, эмпатик ва аутопсихологик қобилиятларни ривожлантириш шартли сифатида акс этади.

Ўқитувчиларда педагогик қобилиятлар комплексини такомиллаштириш интерфаол таълимга асосланган мустақил малака ошириш жараёни билан бевосита боғлиқдир. Чунки интерфаол таълимда модератор (андрагог-педагог) ва тингловчилар ўртасида, шунингдек, тингловчи-тингловчи ўртасида ҳам ўзаро ҳамкорлик, ҳамфикрлик, ҳамжиҳатлик юзага келади. Бу ҳамкорлик ўқув материални ўзлаштириш, назарий ва амалий билимларни бойитишга хизмат қилиб, шу билан бирга, муаммоли вазиятларнинг ижобий ҳал этилишини таъминлабгина қолмай, таълим жараёни иштирокчилари ўртасида ўзаро психологик яқинлик ва бирликни ҳам юзага келтиради. Модератор ва тингловчиларнинг биргаликдаги ҳамкорликка асосланган фаолияти, ўзаро фаол таъсир кўрсатиши ва ҳамкорликдаги ижодий жараён педагогик қобилиятларни ривожлантириш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Ўзаро, биргаликдаги фаолият жараёнида модератор-тингловчи, тингловчи-тингловчи орасида педагогик қобилиятлар комплексини ривожлантиришга йўналтирилган ҳамкорлик муҳити юзага келади. Интерфаол метод ва технологиялар ёрдамида ташкил этиладиган машғулотлар (ўқув семинарлари, тренинг, вебинар)да тингловчилар ўз фикр, хулосаларини ўзаро биргаликда муҳокама қилишади ҳамда бошқаларнинг фикр ва хулосаларини тадқиқ этиш жараёнида рефлексив ва акмеологик қобилиятларни намоён этишади, гуруҳий фаолият жараёнида ягона, ўзаро ҳамкор, ҳамжиҳат жамоага айланади.

Шунга асосан тадқиқот объекти билан боғлиқликда модератор ва тингловчи, тингловчи ва тингловчининг ўзаро бир-бирига фаол таъсири асосида педагогик қобилиятлар комплексини такомиллаштиришда ўзаро ҳамкорлик юзага келишини таъминловчи таълимий фаолият интерфаол таълимдир, деган хулосага келинди. Интерфаол таълимда модератор ва тингловчилар ҳамда тингловчи-тингловчи ўртасида юзага келувчи ўзаро муносабат, одатда, у ёки бу муаммони қай тарзда ҳал этиш, қарорлар қабул қилиш тўғрисидаги таклифларнинг илгари сурилиши ва якуний қарор қабул қилиш бўйича мунозара шаклида намоён бўлади.

Интерфаол таълим педагогик фаолият ва шахслараро муносабатларнинг кенг қатламини ўз ичига олади. Материални самарали ўзлаштириш йўллари қандай бўлишидан қатъий назар, тингловчиларнинг шахсий тажрибалари таълимнинг асосий манбаи бўлиб ҳисобланади.

Интерфаол таълим жараёнида тингловчилар қуйидаги мулоқот жараёнларида ўзаро муносабатга киришиш орқали педагогик қобилиятлар комплексини эгаллашади: ўқитувчи-тингловчилар билан (жуфтлик асосида ишлаш), кичик гуруҳларнинг аъзолари, катта гуруҳларнинг аъзолари билан, тингловчилар жамоалари, таклиф қилинган шахслар, интерактив дастурий воситалар билан.

Ўқитувчиларда педагогик қобилиятлар комплексини такомиллаштиришда интерфаол таълим анъанавий таълимдан фарқли равишда бир қатор афзалликларга эга эканлиги аниқланди:

1. Ўқитувчиларнинг педагогик имкониятлари интерфаол метод (ўйин, семинар-тренинг, машқлар) мақсади ва вазифаларига мос келиши. Танланган интерфаол метод моҳиятига кўра педагог таълим жараёнида ташкилотчи, коммуникатор (алоқа ўрнатувчи), фасилитатор, кузатувчи, эксперт ролларини бажаради ва мазкур жараёнда педагогик қобилиятларнинг комплекс такомиллашуви кузатилади.

2. Ўқитувчиларнинг гуруҳ аъзоларига самарали таъсир кўрсатиш лаёқатига эгаллиги. Бу жараёнда модератор тингловчилар билан ўзаро фаол муносабатда жўшқин, таъсирчан суҳбат, баҳс-мунозарани уюштири олиши, уни самарали ташкил этиши ва албатта, натижани кўлга кирита олишига ўзида ички ишонч ва қатъият топа билиши лозим. Шахслараро мулоқотда нутқ шакллари (диалог, монолог), мазмуни, етакчи ғояси, иштирокчиларнинг дунёқараши, билим доираси, ўй-кечинмалари педагогик қобилиятлар комплексини такомиллаштириш учун жуда муҳим. Суҳбат, диалогларда “субъект-субъект” кўринишидаги ўзаро фаол мулоқотнинг юзага келиши ўқитувчиларда рефлексив ва эмпатик қобилиятларни такомиллаштириш имконини беради.

3. Ўқитувчиларда педагогик қобилиятлар комплексини такомиллаштириш уларда шахсий ташаббусни уйғотиш, педагогик маҳоратга асосланиш, барқарор қизиқиш ва мотивациялар кўламига жуда боғлиқ. Шундай ҳоллар ҳам учраб турадики, интерфаол таълим билан боғлиқ қобилиятларни ўзлаштириш иштиёқига эга, илк бор тренинг машғулотида иштирок этаётган ўқитувчи ҳам ўзи билмаган сабабларга кўра уни рад этади.

4. Педагогик қобилиятлар комплексини такомиллаштиришнинг асоси коммуникатив компетентлилик деб қарайдиган бўлсак, айнан ташкил этилиши нуқтаи-назаридан интерфаол таълим иштирокчиларининг шахсий қизиқишлари асосида ҳосил қилинувчи коммуникатив шакллар йиғиндисидир. Ана шу мақсадда тадқиқот жараёнида янги касбий фаолият йўналиши ва субъектларга мослашиш қобилиятини ривожлантиришга йўналтирилган, шунингдек, интерфаол таълим билан боғлиқ қобилиятларни ўзлаштиришга эришиш мақсадида касбий муҳитга мослашишга ёрдам берувчи ўйинлар (масалан, ишбилармонлик ва бошқарув ўйинлари)дан фойдаланилди.

Тадқиқот натижалари асосида интерфаол таълим асосида ўқитувчиларда педагогик қобилиятлар комплексини такомиллаштиришнинг қуйидаги модели ишлаб чиқилди (2-расм).

Интерфаол таълим жараёнини ташкил қилиш, амалга ошириш, раҳбарлик қилиш ва бошқаришда энг асосий омил сифатида мулоқот, шахслараро коммуникация усуллари ва улардан илмий педагогик, психологик хулоса ва тавсияларга мувофиқ самарали фойдаланиш энг жиддий, аслида эса, ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Шунингдек, интерфаол машғулотни ташкил қилиш ва унда ўқитувчининг роли, серқирра вазифаларини амалий тажрибалар асосида илмий таҳлил қилиш, зарур



**2-расм. Интерфаол таълим асосида ўқитувчиларда педагогик қобилиятлар комплексини такомиллаштириш модели**



тавсиялар ишлаб чиқиш, бунда ўқитувчининг интерфаол машғулотлар учун ўйинларни ишлаб чиқувчи (ўйин технологи), консультант, интерфаол ўйинлар ташкилотчиси, коммуникатор, фасилитатор, психолог сифатидаги вазифаларни бажаришга қаратилган фаолиятига тегишли педагогик қобилиятлар комплексини ривожлантириш лозим.

Диссертациянинг **“Олий таълим муассасалари ўқитувчиларида педагогик қобилиятлар комплексини такомиллаштириш самарадорлиги”** деб номланган учинчи бобида тажриба-синов ишлари мазмуни ва натижалари ёритиб берилган.

Мақсадга йўналтирилган таъсир кўрсатиш учун ўқитувчиларда педагогик қобилиятлар комплексини такомиллаштиришга доир махсус дастур ишлаб чиқилди. Ушбу дастурнинг мақсади мустақил малака ошириш орқали ўқитувчиларда педагогик қобилиятни ривожлантиришдан эканлиги тарзда белгиланди. Дастурнинг ўзига хос жиҳати шундаки, у ўқитувчида махсус қобилиятлар комплексини ривожлантириб, барча педагогик жараёнларни ташкил этишда умумий концентрга асосланиш имконига эга бўлади.

Дастурни амалга ошириш жараёнида қуйидаги масалалар ҳал қилинди: педагогик фаолиятни мустақил амалга ошириш бўйича яхлит жараён тузилмаси ва хусусиятлари ҳақидаги билимларни тизимлаштириш ва ривожлантириш; ўз-ўзини ривожлантириш компонентлари бўйича педагогик фаолият учун муҳим шарт-шароитларни ишлаб чиқиш, таққослаш ва умумлаштириш учун махсус кўникмаларни ривожлантириш; индивидуал ривожланиш траекториясини лойиҳалаш ва реал фаолиятни моделлаштирувчи аниқ педагогик вазиятларда уларни амалга ошириш; билимлар, эмоционал йўналганлик, ирода ва педагогик касбининг жозибадорлигини амалий фаолиятда намоён бўлишига эришиш.

Дастурни амалга ошириш қуйидаги вазиятлар бўйича машғулотларни ўз ичига қамраб олди: педагогик ҳаракатларнинг турлари ва тоифаси (репродуктив, продуктив ва аралаш); интеллектуал, ҳиссий, иродавий ва таъсирчан ҳаракатлар ҳамда операцияларнинг турлари ва тоифаси; фикрни ҳиссий ифодалаш воситалари; ўқувчининг ривожланиши, талабаларнинг ўқув-билиш фаолияти, ўқитувчи фаолиятининг ички жараёнлари (интеллектуал, ҳиссий, иродавий ва шахсий) ҳисобга олган педагогик ҳаракатларнинг асосий мақсадлари; кўргазмали педагогик шарт-шароитлар ва вазиятларнинг турлари; кўргазмали педагогик шарт-шароитлар бўйича ахборотларни баҳолаш (микдорий, тартиб рақамли, тавсифий-аналогли, белгили) воситалари ва уларни тўплаш усуллари; режани амалга ошириш техникасини танлаш; режаларни бевосита амалга ошириш усуллари ва шакллари; режаларни тўлдириш, тузатиш усуллари ва бошқалар.

Тажриба-синов иши асосини ўқитувчи ва талабаларда педагогик қобилиятлар комплексини ривожлантириш, уларнинг динамик ўсиб бориш даражасини кузатиш, инновацион салоҳиятининг таркибий қисми сифатида

фаол ва мақсадли таъсир жараёнида қонуний алоқадорликларни аниқлашга кўмаклашадиган шакллантирувчи эксперимент ташкил қилди.

Экспериментнинг асосий вазифаси ўқитувчиларда педагогик қобилиятлар комплексини такомиллаштиришнинг оптимал йўллари ва воситалари, шунингдек педагогик шарт-шароитларини аниқлашдан иборат бўлди.

Тадқиқот мақсади ўқитувчи қобилиятлар комплексини такомиллаштиришнинг компонентлар бўйича намоён бўлиши, компетенциявий ёндашув билан алоқадорлиги, интерфаол таълимнинг педагогик қобилиятлар комплексини такомиллаштиришга таъсирини баҳолаш, тизимли-қадриятли ёндашув асосида педагогик қобилиятларнинг ривожланиш динамикасини аниқлашдан иборат.

